

**Андижон қишлоқ хўжалик институти  
Агрономия факультети**

**Мавзу;**

**Махсус фанларни ўқитиш жараёнида инновацион педагогик  
махоратни ошириш йўллари**

Наманган вилояти Норин қишлоқ хўжалик касб- хунар коллежи мисолида.

**Бажарди ; Ахмедова Одина  
Илмий рахбар ; Қамбаров Адхам**

**Андижон 2014**

## Мундарижа

### Кириш.

#### **1-Боб. Инновацион педагогик маҳоратнинг назарий ва илмий асослари....**

1.1. Таълим жараёнида инновацион методлардан фойдаланишнинг зарурати....

1.2. Педагогик маҳоратни эгаллаш усуллари.....

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйилган талаблар.....

#### **2-Боб. Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида инновацион педагогик маҳоратини шаклландириш ҳолати**

2.1. Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида педагогик кадрлар салоҳияти таҳлили.....

2.2. Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўқитувчининг инновацион методлардан фойдаланиб дарс жараёнини ташкил этиш ҳолати.....

#### **3-Боб. Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўқитувчининг инновацион педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари.....**

3.1. Коллеж ўқитувчисининг таълим – тарбия жараёнида педагогик маҳорати самарадорлигини ошириш йўллари.....

3.2. Коллеж ўқитувчисининг инновацион педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари.....

**Хулоса ва таклифлар.....**

**Фойдаланилган адабиётлар.....**

**Иловалар.....**

## Кириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури айнан устувор вазифа этиб кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этишни белгилаб берди: “Таълимнинг юқори сифати ва барқарор ривожланишини кўзда тутувчи педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг эгилувчан тизими ташкил этилмоқда. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш, уларнинг касбий сифатларини рақобатбардош миқёсда қўллаб қувватлаш таъминланади”<sup>1</sup> педагогика таълимнинг ривожланиш йўлларини прогноз қилиш соҳасида ишнинг аниқ шароитларига мослашуви дастурий таъминот комплексларини яратишга ёрдам берувчи математик аппаратдан фойдаланиладиган янги методларни қўлланилиши жуда долзарбдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, янги инновацион технологияларни унинг асосий негизи бўлган ахборотлар технологиясини таълим тизимида жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш ўқитувчининг тайёргарлик даражасини биринчи навбатда ҳал қилиш ҳам бугунги кун энг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги “Норин қишлоқ хўжалик коллежида ўқитувчининг инновацион педагогик маҳоратини ошириш йўллари” мавзусида ўқувчи касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий-педагогик муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш долзарб масалалардан эканлиги ва уни ечимини топиш мақсади иш мазмунида ёритилмоқда.

Битирув малакавий ишнинг ўрганганлик даражаси касб-ҳунар ўқитувчиларини тайёрлашда ва уларнинг таълимий-тарбиявий ишларини самарали ташкил этишда инновацион технология йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Нишоналиев У.Н., Мирсаидов К.Ж., Чориев Э.Т. ва бошқалар самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш тизимидаги зиддиятлар Х.Ф. Рашидовнинг ишида кўрсатиб берилган.

---

<sup>1</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. “Баркамол авлод Ўзбекистон таррақиёти пойдевори”, Тошкент, 1997

Битирув малакавий ишнинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур Битирув малакавий иш Андижон қишлоқ хўжалик институти «Педагогика ва табиий фанлар» кафедрасининг 2013 – 2014 ўқув йилидаги илмий тадқиқотларни бажариш дастуридаги Битирув малакавий ишлар режасига киритилган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Институтда мавзу юзасидан олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш, тадқиқот объекти ҳисобланган Норин қишлоқ хўжалик коллежида мавзуга оид ҳолатни ҳар тамонлама мукамал ўрганиш, таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўяди.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари илмий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат.

- Таълим жараёнида инновацион методлардан фойдаланишнинг заруратини изоҳлаш
- Педагогик маҳоратни эгаллаш усуллари назарий жиҳатдан асослаш
- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйилган талабларни изоҳлаш
- Норин қишлоқ хўжалик коллежида педагогик кадрлар салоҳиятини таҳлил қилиш
- Норин қишлоқ хўжалик коллежида ўқитувчининг инновацион методлардан фойдаланиб дарс жараёнини ташкил этиш ҳолатини таҳлили қилиш
- Коллеж ўқитувчисининг таълим – тарбия жараёнида педагогик маҳорати самарадорлигини ошириш йўллари тавсиялар бериш
- Коллеж ўқитувчисининг инновацион педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари таклиф ва тавсиялар бериш орқали ишни бойитиш

Битирув малакавий ишнинг олиб боришдаги объекти. Норин қишлоқ хўжалик коллежи

Битирув малакавий ишнинг методлари. Тадқиқот жараёнида анкета-сўровнома, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил қилиш ва бошқа усулларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг ахборот базаси. Тадқиқот ишни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, ҳамда асарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, хориж ва ватанимиз педагог - олимларининг илмий ишлари, дарслик ва қўлланмалари, интернет тизими маълумотлари Норин қишлоқ хўжалик коллежининг йиллик ҳисоботларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги. Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларда педагогнинг касбий маҳорати ва малакаларини назарий ва амалий жиҳатдан асосланган.

Битирув малакавий иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишдаги хулоса ва тавсиялар касб – ҳунар коллежларида ўқув фаолиятларида фойдаланишлари мумкин. Ушбу ишдан фойдаланилса касб – ҳунар коллежларидаги таълим – тарбия тизимида самара бериши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тўзилиши ва ҳажми. Ушбу Битирув малакавий иш - кириш, 3 боб, 7 та параграф, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзуни долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, таҳлил қилиш услубини тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларини назарий ва амалий аҳамияти ўрин олган.

Биринчи бобда инновацион педагогик маҳоратнинг назарий ва илмий асосларида, педагогик маҳоратни эгаллаш усуллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар, таълим жараёнида инновацион методлардан фойдаланишнинг заруратини назарий жиҳатдан асослаб берилган Иккинчи бобда Норин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида инновацион педагогик маҳоратини ташкил этиш ҳолати, Норин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида педагогик кадрлар

салоҳияти тахлили, Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўқитувчининг инновацион методлардан фойдаланиб дарс жараёнини ташкил этиш ҳолати, Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўқитувчининг дарсдан ташқари олиб борилаётган педагогик маҳорати мазмуни таҳлил қилинган.

Учинчи бобда Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўқитувчининг инновацион педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари, ўқитувчининг таълим – тарбия жараёнида педагогик маҳорати самарадорлигини ошириш йўллари, инновацион педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари изоҳлаб берилган.

Битирув малакавий ишнинг яқунловчи хулоса қисмида тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловалар келтирилган.

## **1-Боб.Инновацион педагогик маҳоратнинг назарий ва илмий асослари**

### **1.1.Таълим жараёнида инновацион методлардан фойдаланишнинг зарурати.**

Инновация-лотинча сўз бўлиб, “янгилик киритаман, татбиқ этаман, ўзгартираман” деган маънони билдириб, у қуйидаги усуллардан иборат.

1. Моделлаштириш (тренировка).
2. Намойиш қилиш
3. Кичик гуруҳларда бўлиш
4. Ақлий ҳужум
5. Танқидий тафаккур
6. Дебатлар
7. Нуқтаи назаринг бўлсин
8. Ҳар ким ҳар кимга ўргатади
9. Ролли ўйинлар
10. Муайян ҳолатни (вазиятни) ўрганиш
11. Модификацияланган маъруза
12. Ўйинлар
13. Бинго
- 14.Ахборот технологиялари (компьютер) ёрдамида.

### **4.Ўқитишнинг инновацион усулларида фойдалана билиш ва амалга ошириш**

***Ўқитувчи қуйидагиларни билиши лозим:***

- инновацион технология тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти;
- таълим мақсадини амалга оширишда инновацион технологияларнинг ўрни ва роли;
- фанлар бўйича инновацион технологияларни қўллаш принциплари;
- таълимий ва ишчанлик ўйинлари;
- муаммоли ривожлантирувчи таълим методлари;
- ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва таъминлаш йўллари;

- ўқувчиларнинг мустақил ишлаш маҳоратини ошириш усуллари;
- кўргазмали ўқитиш усуллари;
- имитация ўқув-машғулоти;
- таълим-тарбияни фаоллаштирувчи усуллар.

## **Инновацион усул турлари**

### ***I. Моделлаштириш (тренировка-машқ қилиш)***

Ўқитишнинг бу усули реал ҳаётни қайта тиклаш учун ишлаб чиқилган мослама, асбоб ёки вазиятни ўз ичига олади.

#### **қўлланилиши:**

- турли вазиятларда керак бўладиган кўникмалар ҳосил қилишда;
- оддий, мураккаб механик ва электр асбоблар ясашда, оператив кўникмалар ва қарор қабул қилишни амалга оширишда;
- хавфли ва кечиктириб бўлмайдиган вазиятда бошқариш кўникмаларини мустаҳкамлашда;
- реал ҳаётнинг вазиятларда илгари ўрганилган принципларни қўллашда.

#### **Афзаллиги:**

- ўқувчилар фаоллигини таъминлайди;
- эслаб қолишни кучайтиради.

### ***II. Намойиш қилиш***

**Демонстрация**-“кўрсатаман, исботлайман” деган маънони англатади.

Бу усулда ўқитувчи топшириқни бажариш тартибини ўқувчиларга кўрсатади.

Шундан сўнг ўқувчиларга топшириқни мустақил бажариш имконияти берилиши керак.

#### **қўлланилиши:**

- топшириқни бажарилиш тартибини кўрсатишда;
- муаммоларни ҳал қилиш ва аналитик моҳирликка ўргатишда;
- техника хавфсизлигини ўргатишда;
- техник воситалар ва асбоблар билан ишлашни ўргатишда.

#### **Афзаллиги:**

- ўқувчи ўз кўзи билан кўра олиши;

- тушуниш ва эслаб қолишга ёрдам бера олиши;
- қизиқишни ошириши;
- ўқитишнинг жуда фаол шакли эканлиги.

### ***III. Ролли ўйинлар***

Ўқувчилар бу усулда “реал ҳаёт” ҳолатларини қайта жонлантирадилар. Уларга амалий иш фаолиятларида қўллаш мумкин бўлган янги турдаги фаолиятларни синаб кўриш ва текшириш имконини беради.

#### **қўлланилиши:**

- янги турдаги фаолиятни синаш имконини кўрсатади;
- ўқувчиларни назарий амалиётда қўллашга ўргатишда;
- ўқувчилар фаоллигини оширишда.

#### **Афзаллиги:**

- “реал ҳаёт”нинг қайта тикланиши;
- ўқувчиларни мавзуга чуқурроқ жалб қилиниши;
- ўқувчиларга муаммога бошқача ёндошув имконини бериши.

### ***IV. Гуруҳ мунозараси***

Ўқитишнинг мазкур усули ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашувига асосланган. Бунда гуруҳда таҳлил қилиш, баҳолаш ва текшириш асосида муайян мавзу ёки саволлар ишлаб чиқилади.

#### **қўлланилиши:**

- қизиқишни кучайтириш ва ўйлаш, фикр юритишга чорлашда;
- маъруза, ўқиш ва бошқа усулларни мустаҳкамлашда;
- машғулот мазмунининг асосий қисмини ишлаб чиқишда;
- муаммонинг кўзда тутилган қарорини ишлаб чиқишда;
- якун ясаш ёки текширишни амалга оширишда;
- мавзу тушунарлилигини баҳолашда;
- ўқувчиларни келгуси дарсга тайёрлашда.

#### **Афзаллиги:**

- ўқувчиларда қизиқишни орттиради ва дарсга жалб қилинишни кучайтиради;
- ўқувчилар фикр ва тажриба алмашиш имкониятиги эга бўладилар.

## ***V. Модификацияланган-шакли ўзгартирилган маъруза***

Бу ўқитиш усулида ўқитувчи мавзу мазмунини оғзаки баён қилади, формулалар чиқаришда ўқувчилар билан мулоқот олиб боради. Аммо, инновацион технология маърузадан фарқи ўқитувчи ва ўқувчи орасида мулоқот борлигидадир.

### **қўлланилиши:**

- ўқувчиларга умумий ахборот бериш учун;
- фанга кириш ва асосий материалларни бериш учун;
- қайсидир турдаги фаолиятни бошлашдан олдин, намойиш қилиш,
- ролли ўйин ва бошқа турдаги усулларни қўллашда;
- таъриф, қоида формулаларни масала ёки лаборатория ишларида
- қўллашни намойиш қилишда.

### **Афзаллиги;**

- тезкорлик билан амалга оширилиши;
- дарсга керак бўлган кўргазмали қуроллар, кўрсатма материалларнинг тайёрланиши;
- катта гуруҳларда самарадорлиги;
- кам ресурслар талаб қилиши;
- бошқа усуллар билан биргаликда қўллаш мумкинлиги;
- гуруҳни биргаликда ушлаш имконини бериши.

## ***VI. Муайян ҳолатни (вазиятни) ўрганиш***

Бу ўқитиш усули реал ҳаётдаги вазиятни батафсил муҳокама қилишдан иборат. У усул кичик гуруҳларда ўтказилиб, ўқиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, муҳокама ва эркин фикр алмашиш ҳамда қарор қабул қилиш ва бу қарорни бошқаларга етказишни тақоза қилади.

### **қўлланилиши:**

- дарс мазмунини ҳар томонлама ўйлаб сўзлашга ўргатишда;
- муаммони ҳал қилиш қобилияти, танқидий фикрлаш ва фикр юритишни шакллантиришда;
- бошқарув тамойилларини намоён қилишда.

**Афзаллиги:**

- ўқувчиларнинг фаоллиги ва жалб қилинишини мустаҳкамлайди;
- таълим олиш тугагандан сўнг тақозо қилинадиган ижрони моделлаштиришга ёрдам беради;
- ўқитишни кўзатиш мумкинлиги.

***VII. Танқидий тафаккур***

Танқидий тафаккур услуби ўқитувчи қўйган масала ёки муаммога ўқувчи ўз фикрини баён қилиш, ўзгалар фикрини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш орқали ечиш ёки ҳал этиш имкониятига эга бўлишига асослангандир.

**қўлланилиши:**

- ўқувчи ўз нуқтаи назарини шакллантиришга йўналтирилган ҳолатларда;
- ўқувчига ўз нуқтаи назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилишида;
- ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда турли нуқтаи назарияларни муҳокама қилиш жараёнида.

**Афзаллиги:**

- ўқувчи ўз фикрини асослай олиши;
- таълим олувчиларга эркин сўзлаш имконияти яратилиши;
- барча фикрлар эркин таҳлил қилиниши.

***VIII. Ақлий ҳужум***

Ақлий ҳужум ўқитувчи қўйган савол ёки муаммо юзасидан ҳар бир ўқувчи ўз фикрини баён этишга имкон берувчи ўқув услубидир. Услуб моҳияти «Бир калла яхши, йигирма бештаси ундан яхши» принципи бўйича ўқитувчи томонидан белгиланган муаммо ёки савол юзасидан эҳтимол тутиладиган ҳамма фикрлар вариантини бир ерга жамлай олишда бўлиб, истисно тариқасида таълим олувчиларнинг барча фикрлари, жумладан, айтарли тўғри бўлмаганлари ҳам инобатга олинади. Баён этилган фикрлар кейинги таҳлилда ўқувчиларнинг қўйилган савол ёки муаммони тўғри тушунишларига имкон беради.

**қўлланилиши:**

- савол, топшириқ ёки муаммони ҳал қилишда фикрларни эркин айтишда;
- муаммони ҳал қилиш қобилиятини оширишда;
- ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда;
- фанга кириш ва асосий мавзу мазмунини билиб олишда.

#### **Афзаллиги:**

- айтилган фикрлар танқид ва муҳокама қилинмаслиги ёки баҳоланмаслиги;
- ўқувчиларни мазмуннинг илмийлигига чуқурроқ жалб қилиниши;
- белгиланган вақт доирасида барча хоҳловчиларга ўз фикрларини баён этиш имкониятининг берилиши.

#### ***IX. Ҳар ким ҳар кимга ўргатади***

«Ҳар ким ҳар кимга ўргатади» услуби ўқувчиларни ўргатувчига айланиши, маълум билимларни ўзлаштиргач, ўртоқлари билан баҳам кўриш имконини берувчи ўқитиш услубидир. Ушбу услубнинг мақсади ўқувчиларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборот максимумини бериш, айти пайтда ўқувчида ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотишдир. Шунингдек, ахборот ҳажмини олган ўқувчи маълум вақт давомида уни иложи борича кўпроқ ўртоқларига етказди.

#### **қўлланилиши:**

- ўқувчиларда ахборот олиш ва беришга қизиқишни уйғотиши;
- ахборотни диққат билан эшитиш ва эслаб қолишни таъминлаши;
- шеригининг ахборотини тинглаб, бошқа шерик ахтариш учун.

#### **Афзаллиги:**

- ўз фикрини лўнда баён этиши;
- тинглаш ва эслаб қолиш даражасини ривожлантириши;
- фанга ёки мавзуга бўлган қизиқишини уйғотиши.

#### ***X. Дебатлар (тортишувлар)***

Дебатлар ўз нуқтаи назарини асослашда синфдаги барча ўқувчиларнинг (ёки асосий қисмининг) баҳслашувда фаол иштирок этишини таъминловчи ўқитиш услубидир. Бу услубдан фойдаланиш танқидий тафаккурни ривожлантиради. Ўқувчи ўз нуқтаи назарини рад этиши керак. Баҳс ҳақиқатни юзага келтиргани

боис ўқитувчи синфни икки гуруҳга бўлган ҳолда мунозарани атайин авж олдиради (гуруҳларга бир-бирига зид нуқтаи назарларни айтади, баҳсли топшириқлар беради). Бу усул ёзма ҳолда олиб борилса, ёзма дебатлар бўлади.

**қўлланилиши:**

- баҳсда ўқувчиларнинг фаол иштироки таъминланганда;
- муаммони ҳал қилишда моҳирликка ўргатишда;
- фикрни аниқ ва қисқа ифодалашга имкон берилганда.;

**Афзаллиги:**

- ўқувчиларни баҳслашишга ўргатиши;
  - мунозара маданиятини шакллантириши;
- асослаб бериш малакасини ошириши.

Бундай усуллардан фойдаланиш таълимнинг самарадорлигини белгилайди.

**1.2.Педагогик маҳоратни эгаллаш усуллари.**

Инсон фаолиятининг бошқа турлари каби педагогик фаолият ҳам ўз хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи: мақсад, объект ва субъект ва воситалардан ташкил топади.

Энг аввало, педагогик мақсаднинг ўзига хослигини тушунишига ҳаракат қиламиз. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятнинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга ёналтирилган бўлиши зарур. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий ўзвийлигини (кетма-кетлигини) таъминлайди, бир авлод тажрибасини иккинчи авлодга ўтказди, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллайди, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

2. Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Унга эришиши осонликча бўлмайди. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўллари аниқ тасаввур қилиш ва мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга аниқ олиш зарур. Гёте таъкидлаганидек,

"Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиши ҳам ўз-ўзидан келаверади".

3. Педагогик (таълим, тарбия) жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккаб-педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Бу мақсадни ўқувчидан кўра педагог яққолроқ тасаввур қилади. Ўқувчи эса кўп ҳолларда, ҳаётий тажрибаси етишмаслиги сабабли ҳозирги ҳаёт, шу бугун ташвишлари билан яшайди, келажакни эса тўла тасаввур қила олмайди. Бунёдкор педагоглардан бири Ш. А. Амонашвили бу номувофикликни "тарбиядаги асосий фожиа" деб атайди. Буни англаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолияти мантиғини ўқувчилар эҳтиёжларига мувофик ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла англаб, ўз шахсига қабул қилиши. Жамият мақсадларининг "ўсиб", унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши; муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндошиши;

ўқувчилар қизиқишларини эътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш. Ўқувчилар билан касбга йўналтириш ишларини олиб боришда бунга эътибор бериш зарур.

Энди педагогик фаолият объектининг ўзига хослигини кўриб чиқамиз. Бу фаолиятининг объекти инсондир. Педагог- тадқиқотчиларнинг фикрича, педагогик объектининг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

1. Инсон-табиатнинг жонсиз моддаси эмас, балки ўзининг индивидуал сифатлари, рўй бераётган воқеаларнинг идрок қилиши ва уларга ўзича баҳо берадиган, такрорланмайдиган фаол мавжудотдир. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс-такрорланмасдир". У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий хулққа эга бўлган иштирокчиси ҳамдир. Шундай қилиб, педагогик фаолиятнинг объекти бир пайтнинг ўзида бу фаолиятнинг субъекти бўлиб ҳисобланади.

2. Педагог доимо ўзгариб, ўсиб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндошишда бир хил қолип, шаклланиб қолган ҳатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо ижодий изланиб туришни талаб қилади.

3. Ўқувчиларга педагогдан ташқари атроф-муҳит, ота-она, бошқа фан ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий ҳаёт ҳам, баъзан сезилмайдиган, баъзан эса ҳар томонлама бир неча йўналишда таъсир этади. Шунинг учун ҳам педагог меҳнати бир вақтнинг ўзида жамики таъсирларга ва ўқувчининг ўзида пайдо бўлган фикрларга тўзатишлар киритиб боришни назарда тўтади. Масалан, диний экстремизм ва бошқа оқимларга кириб кетган ёшларнинг адашганлигини тушунтириш, оммавий ахборот воситалари орқали берилмаётган ахборотларни тўғри англашга ундаш ва ҳ. к. Тарбия жараёни ўзини тарбиялаш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши зарур.

Умуман олганда, ҳозирги замон педагогикаси ҳамкорлик педагогикаси бўлиб, у ўқув юртидаги тарбиявий муносабатларнинг инсонпарварлашуви ва демократлашувига ёналтирилган. Бунда ўқувчилар фаоллигини ошириш, уларни педагогик жараённинг иштирокчисига, ўқитувчининг эса унинг меҳрибон устозига айлантириш муҳимдир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунда таъкидланганидек, таълим жараёнининг демократ-лаштириш ва инсонпарварлаштириш, мамлакатимиз таълим тизимини ташкил этишнинг асосий принтсипларидан биридир.

Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти нимада?

Педагогик фаолиятининг субъекти-тарбияланувчиларга асосан-педагог, ота-она ва ўқувчилар жамоаси таъсир кўрсатадилар. Ўқитувчининг шахси, билими ва маданияти ўқувчиларга таъсир кўрсатувчи асосий қурол бўлиб ҳисобланади. Агар ўқувчи педагог шахсини ўзига қабул қилмаса (унга ҳиссий яқинлик ҳис этмаса), унинг таъсирига берилмайди, қайсарлик қилади, уни ҳурмат қилмайди. Ўқувчи шахсига доимо ижобий-ахлоқий таъсир кўрсата оладиган кишигина ҳақиқий тарбиячидир. Бунга эришиш учун педагог ўзининг ахлоқий сифатларини доимо такомиллаштириб бориши зарур. Педагог томонидан содир

этилган арзимас бўлса-да ахлоқсизлик, унинг ўқувчилар ўртасида мисқоллаб йиғилган обрўсига жиддий путур етказиши муқаррар. Ўқувчиларни меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш каби фаолият турларида иштирок этишлари тарбиянинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. А. С. Макаренко ўзининг тарбиявий системасининг маркази сифатида ўқувчиларни унумли меҳнатда иштирок этишларини кўяди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини махсулот яратувчи меҳнатга жалб қилиб, унинг натижасидан баҳраманд қилишда ҳам бу система яхши самара беради. Масалан Чортоқ туманидаги касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси А. Ҳолиқов педагогик ўйинлардан самарали фойдаланиб, ўқувчиларга пухта касбий малака беришга эришмоқда. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Демак, ҳар бир моҳир педагог ўзининг индивидуал педагогик системасига эга бўлиши зарур.

#### Педагогик маҳорат-системаси ва унинг ташқил этувчилари

Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини эгаллаш учун аввало таълим ва тарбия методларини такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий ҳол, чунки айнан методлар ёрдамида педагог ўз ўқувчиларини турли ўқув фаолиятига жалб қилади. Бу билан ўқувчиларда муайян билим, кўникма, малакалар ва хулқни шакллантиради.

Лекин, айнан бир хил метод билан ишлаган турли ўқитувчиларнинг эришган натижалари ҳам турлича бўлиши аниқланган. Бунинг устига, синовдан ўтказилган методлардан фойдаланган бўлсаларда, айрим ўқитувчилар, ҳатто энг қуйи даражадаги ўзлаштириш натижаларига ҳам эриша олмаганлар. Бундай ўқитувчилар: "Ҳамма нарсани методик тавсия асосида бажардим, нима учун болалар мавқий солиш, қайсарликни ва дарс тайёрламасликни яна давом эттирмақдалар?"- деб ҳайрон бўладилар. Гап шундаки, ўқувчиларни билим олишга қизиқтиришда ўқитувчи томонидан танланган методлар, усуллар ва топшириқлардан бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатади. Педагог фаолиятининг муваффақиятли кечиши унинг шахси, характери, ўқувчилар билан муомиласига

хам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Лекин, одатда бўларнинг таълим-тарбия жараёнига таъсири аҳамиятсиздек туюлади. Лекин, тажрибали педагог унинг хатти-ҳаракати ўқувчиларга қандай таъсир кўрсататганлигига аҳамият бериб, унга керакли тўзатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Бундай ўқитувчиларнинг илҳомбахш муаммоларидан ўқувчиларда ўқишга интилиш ўзларида янада яхшироқ ўқишни уддалай олишига ишонч ҳисси пайдо бўлади. Бу ҳолда таълим ва тарбия методлари педагог шахсида мужассамланган сифатларни амалга ошириш ва ундан ўқувчига ахлоқий фазилатларни ўтказиш воситасига айланади. Шунинг учун ҳам, педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларининг мажмуи сифатида қараб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан боғлиқ бўлишини эътироф этиш лозим.

Демак, педагогик маҳорат тушунчаси бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан ташкил топар экан. Бундай ҳолда педагогик маҳоратни «педагогик система» сифатида тасаввур қилинади ва у қуйидагича таърифланади: «Педагогик маҳорат шахс сифатлари мажмуи ва ўқитувчи томонидан профессионал-педагогик фаолиятни мустақил равишда юқори савияда ташкил этишни таъминлаш бўлиб, у педагогни ўз фаолияти моҳирлигининг энг юқори чўққисига эришганлигини билдиради». Бундан кўриниб турибдики, педагогик маҳорат-бу педагогик фаолиятнинг барча турларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти ва ҳар томнлама ривожлантириш мақсадларига йўналтириш, ўқувчиларда дунёқараш қобилиятни шакллантириш ва уларда ижтимоий зарур меҳнатга мойиллик уйғотишдир.

Педагогик маҳорат яхлит система сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишлари, қадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсадга-баркамол авлод тарбиялаб етиштиришга йўналтирилганлиги; мутахассислик фанлари, ўқитиш методикаси, педагогика ва психологиядан профессионал билимларга эга бўлиши;

педагогик қобилиятга эга бўлиши (мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш («юзидан уқиб олиш»)); педагогик техникани эгаллаши, яъни ўз-ўзини бошқара олиши, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни уддалаши.

Педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишга эга бўлиши-ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, айрим масалаларни-ўзини ўқувчи ўрнида сезиб ҳал этиши, адолатли бўлиши, педагогик фаолиятни пировард мақсадга – баркамол авлод тарбиялашга йўналтиришда ифодаланади. Ўз даврида Ибн Сино ҳам ўқитувчи шахсида ҳалоллик, адолат, поклик, меҳнатсеварлик, фидоийлик, одамгарчилик каби хислатларни қадрлаган.

Инсонпарвар бўлиш маҳоратли педагог фаолиятининг бирча жиҳатларини қамраб олади ва унинг аниқ вазифаларини ҳам белгилаб беради. куйидаги ҳолатни таҳлил қилайлик. Ёш ўқитувчи болаларни Темурийлар мўзейига олиб борди, Лекин «Нима учун Амир Темур ҳақида ўқувчиларга сўзлаб бериш керак?»-деган саволга жавоб тополмайди. Маҳоратли педагог эса, бу саёҳат аҳамиятини бутунлай бошқача тушуниб, у ўқувчиларда тарихимизни билиш, уни ардоқлаш, улуғ аجدодларимиз борлиги билан қувониш ва ниҳоят миллий ғурур вужудга келтиришда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапиради.

Педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, баъзан унинг эгаллаган нуқтаи назарда ҳам намоён бўлади. Масалан, биринчи курс ўқувчиларини эртага яна пахта теримига олиб чиқиш керак, Лекин ўқувчилар: «Биз бормаймиз, чунки олдинги кунларда терга пахтаимиз далада чириб кетяпти, уни олиб кетишмади» - деб қайсарлик қилишади. Педагог ўқувчиларнинг ҳақлигини сезиб турсада, «Йўқ чиқишингиз шарт, пахтани олиб кетиши билан ишларинг бўлмасин»-деб ўз фикридан қайтмаяпти.

Бундай нуқтаи назарда тўрган педагогда одамийлик, инсонпарварлик этишмаслигини яққол кўриш мумкин. У ҳамкорликда ҳаракат қилиб, пахтани тезроқ олиб кетилиши ҳақида фикр юритса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Профессионал билимлар педагогик маҳоратнинг туб асосини ташқил қилади. Педагог билими, бир томондан у дарс бераётган фан тўғрисидаги билимига, иккинчи томондан эса, уни ўзлаштираётган ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўзи дарс бераётган фанни, ўни ўқитиш методикаси, педагогика ва психология фанларидан пухта билимга эга бўлиши, педагог профессионал билимлари мазмунини ташқил этади. Профессионал-педагогик билимларни ўзига хослиги, уларни комплекс характерга эга бўлиши ва ҳар бир ўқувчида шахсий «оҳанг» касб этишидир.

Профессионал билимлар негизида педагог ҳатти-ҳаракати ва хулқининг асосини ташқил этувчи педагогик принциплар ва қоидалар вужудга келади. Бу принцип ва қоидаларни ҳар бир педагог ўз тажрибасига таянган ҳолда яратади, Лекин уларнинг қонуниятларини илмий билим ёрдамида аниқлайди. Бу билимлар доимо такомиллашиб бориши зарур. Буюк педагог А.Децервег таъкидлаганидек, «Илмий изланишга интилмаган ўқитувчи таваккалига ишлаш, оддийлик ва соҳатлик каби педагогикадан оздирувчи шайтонлар қаърига маҳкум бўлади».

Педагогик қобилиятлар, педагогик фаолиятни муваффақиятли ўтишига таъсир кўрсатувчи психик жараёнларни қандай кечаётганлигини билдиради. Бир қатор олимларнинг илмий тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, олти етакчи педагогик қобилиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

коммуникативлик (мулоқотга мойиллик), одамларга нисбатан кўнгилчан бўлиш, меҳрибонлик;

ақл билан сезиш-касбий зийраклик, бошқаларга ҳамдард бўлиш, ички (ҳиссий) сезгирлик;

шахснинг ҳаракатчанлиги, иродавий таъсир кўрсатиш ва мантиқий ишонтириш қобилиятлари;

ҳиссий барқарорлик-ўзини бошқара олиши;

келажакни энг мақбул ҳолда башорат қилиш;

6. Касбий мустақиллик-ижод қилиши қобилияти.

Педагогик техника икки турдаги кўникмалар гуруҳидан иборат. Биринчиси- ўзини ўзи (гавдаси, хиссий ҳолати ва нутқ техникаси) бошқара олиши, иккинчиси- педагогик вазифаларни ҳал этишда ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлашни уддалаш (дидактик, ташкилотчилик малакалари, бевосита таъсир этиш техникаси), бу ҳақда кейинги маърузаларда батафсил тўхталамиз.

Педагогик маҳоратнинг биз юқорида кўриб чиққан таркибий қисмлари, уни системавий характерга эга эканлигини англатади. Педагогик маҳоратнинг яққол ташқи белгилари: фаолиятни аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, вазминлик, мулоҳаза юритиш, ўқувчилар билимини пухталиги, энг мақбул воситаларни танланганлиги, ўз фаолиятига ижодий ёндошувидир.

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.**

Бугун ҳар бир фикрловчи инсон XXI асрнинг, янги асрда ўзи, яқинлари, касбдошлари, тенгдошларининг жамиятдаги ўрни ва салоҳияти қандай бўлишини ўйлаши табиий.

Ўтган асрнинг аҳамияти, кадр\_қиммати, тарихийлиги яна шундаки, Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Мустақил давлат ўзининг асосий қонуни – Конституцияси билан кафолатланган бир қанча муҳим тарихий ҳужжатларига эга бўлдики, улар орасида Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутди. Ундаги ғоялар, аввало, XXI асрда яшайдиган, ижод қиладиган, Ватан ва юрт мустақиллигини мустаҳкамловчи инсонларнинг манфаатини ифодалайди. Дастурда эътироф этилган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида шу нарса алоҳида белгиланадики, Махсус фанларни ўқитиш жараёнида педагогик маҳоратни ошириш таълим\_тарбия дастурларининг интеллектуаллашувини таъминлайди. Ўтган асрни сарҳисоб қилиб, янги юз йиллик ва минг йилликнинг қандай бўлишини тасаввур этарканмиз, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида янги

таълим дастурларида назарда тутилаётган замонавий педагогик технологиялари, таълимни компьютерлаштириш ва компьютерлаш тармоқлари тизимида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ривожланишини назарда тутмоқдамиз. Демак, янги аср-информацион технологиялар асри бўлади. Инновацион технология., педагогик технология, компьютер тармоқларига уланган, дастурлаштирилган, халқаро алоқаларни ҳам таъминлашга қодир тизим назарда тутилмоқда.

Бугун биз бир нарсани аниқ тасаввур қилишимиз керак Мавжуд ҳолат, ахборотлар оқимининг негизлашуви инсон хотирасига ортиқча юк, шахснинг тафаккури ва фикр юритиши жараёнларида кескин ўзгаришларга сабаб бўлмайдами? Онгга етиб келаётган ахборотлар орқали шахснинг мавжуд маданий\_маърифий муҳитдаги мослашуви жараёнида қай тарзда акс этишини билишимиз ва шунга мос тарзда таълим\_тарбия муассасаларида ўқув дастурлари ва жиҳозларига нисбатан талабларни ишлаб чиқишимиз лозим. Шу ўринда биз таълим-тарбия жараёнида инновацион педагогик технологияларни таълим жараёнига сингдиришнинг афзалликларини эътироф этишни истардик. Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва телекоммуникация воситаларининг қўлланилиши талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, биринчидан агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришни баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив ҳарактерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлса, қайта\_қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор. Бу нарса айрим талабаларда, гуруҳ шароитида ишлаганда

кўзатиладиган ийманиш каби сифатнинг намоён бўлмаслигини таъминлайди.

Учинчидан, ҳар бир профессор ўқитувчининг ўзига хос дарсни тушунтириш услуби дидактик услуби мавжуд. Компьютер орқали ёки масофали алоқа воситаларидан фойдаланиш улар ичидаги самарасиз услубиётларга барҳам беради.

Тўртинчидан, янгича ахборотларни ўзатиш технологиялари, билимларни ўзида ифода этиб, унда чизмалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммаларга кенг ўрин берилади. Бу нарса ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, эслаб қолиш қобилиятини кучайтириш мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситаларидаги маълумотларни кичик ҳажмли дискетларга ёзиб олиш, керакли жойда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни ҳам маблағни тежайдики, иқтисодий жиҳатдан юзлаб нусхаларда чоп этилаётган китоблардан арзон бўлади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотини бир хил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади.

Ниҳоят, улар ахборот асри деб эътироф этилаётган янги асрда яшаб ижод қилувчи ёшларнинг онгини ўстирадиган, улардаги техник воситалардан иккиланиш ҳиссини йўқотади. Хуллас, таълим муассасаларининг бу нарсага сарфланган маблағлари беҳуда кетмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Агар бу ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат, пок иймон ва одамгарчиликни тарбиялай олсак, улар халқаро ахборот тизимлари орқали бизнинг фикрлаш тарзимиз, урф\_одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид бўлган маълумотларни танқидсиз қабул қилмайдиган, юртимиз истиқболига хизмат этадиганларинигина саралаб олиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун биз ёшларимизда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек мафкуравий иммунитетни тарбиялашимиз керак.

Маълумки, педагогикада бошқа илм соҳаларидан олинган кўплаб атамалардан фойдаланилади, бу нарса педагогикани бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иқтисодиётдан энг кўп миқдорда кириб келади, чунки айна шу соҳалар ижтимоий фикрнинг ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатади. Чунончи, бугун ўқитишнинг тежамкорлиги ва оқилоналиги ўқитувчи, техника ва технология, ўқитишни компьютерлаштириш ҳамда шунга ўхшашлар ҳақида тез\_тез гапирилмоқда.

Адабиётларда «Янги тартиб қоида», «Янгилик», «Инновация» тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд.

Янги тартиб қоида моддий маънода ижобий илғор янгиликни, бу тушунчани қабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий система учун янги бўлган ғоя фаолият ёки моддий объектни англатади. «Янги тартиб қоида», «Инновацион жараён» атамалари айнан ўхшаш бир хил маънога эга. Инновациялар янгича таълимнинг бошлангандан буён, янгилик киритиш, мавжуд таълим ўзгартириш, такомиллаштириш ва яхшилаш сифатига у билан ёнма\_ён келмоқда. Янгилик – бу техник, технологик ихтиро ва ютуқлардан амалий фойдаланишдир. У педагогик категория сифатида таълимга янгилик киритишни англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, усуллар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурлари, тарбия усуллари ва бошқаларни киритиш ҳамда қўлланишга хосдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Чунки давлатнинг асосини маънавий ташкил этади: маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон келажагининг пойдеворидир» номли маърузасида таъкидлаганидек «Бизнинг мамлакатимизда ўзимизнинг маънавий

кадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш, ҳамда унинг миллий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда» Миллий педагогика тажрибаларига мурожаат қилиш эса, бундай мақсадларга эришишнинг асосий омилларидан биридир. баҳолашнинг 3 вазифаси борлигини алоҳида уқтиради.

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартларига қандай бажарилаётганлиги назорат қилиниб, вазифалар белгиланади.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи талабаларда билимлар янада кенгаяди.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки руҳ, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлар пайдо бўлади.

Чет эл тажрибалари ва кўплаб тажрибаларнинг натижаси ўлароқ рейтинг услуби бугунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинди.

Рейтинг деганда-баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган кўрсаткич бўйича баҳолаш тушунилади.

Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қўлланилади.

Тест деганда аниқ вазифани такомиллашганлик даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини қизиқтирувчи, бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллигини қуйидагича белгилаш мумкин:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назорат ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади.

Рейтинг назорат тизимининг асосида ўқув режасига киритилган.

Ҳар бир фаннинг талаба ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ўтади. Ҳар бир семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси талабанинг семестр давомидаги, фанлардан тўплаган баллар йиғиндиси эса талабанинг ўзлаштиришни баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ҳамда қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади:

- жорий назорат;
- оралик назорат;
- якуний назорат.

Жорий назорат – бу ўрганиладиган мавзуларни ўқувчи, талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан қандай ўзлаштирганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқлаб бориши кўзда тутилади.

Оралик назорат - бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлиб ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш демакдир. Оралик назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат – бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитиб бўлинган, ўтилган мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади. Талабани фан бўйича семестрдаги рейтинг баҳоси жорий оралик ва якуний назоратларда тўпланган баллари бўйича аниқланади.

Ўқув педагогик ишлаб чиқариш ҳамда диплом олди амалиётлари даврида олинган билимлар ҳам рейтинг баллар билан баҳоланади.

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунга келиб жаҳонга ўз номини танитди. Иқтисодий – сиёсий жиҳатдан юксалди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишда бугун келажак учун зарур бўлган замонавий кадрларга ҳам эҳтиёж сезила борди. Мустақил давлат ўзининг муҳим тарихий ҳужжатларига эга бўлдики, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутади.

Дастурда эътироф этилган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан шу нарса алоҳида белгиландики, таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш таълим-тарбия дастурларининг интеллектуаллашувини таъминлайди. Демак, янги аср-информацион технологиялар асри бўлади.

## **2-Боб. Норин қишлоқ хўжалик коллежида ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида инновацион педагогик маҳоратини шаклланганлик ҳолати**

### **2.1. Норин қишлоқ хўжалик коллежида педагогик кадрлар салоҳияти**

#### **таҳлили.**

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1998 йил 24 февралдаги “Касб хунар коллежларини ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш” тўғрисидаги 77 сонли, 1998 йил 13 майдаги 204 сонли “Ўрта махсус касб хунар таълимини ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисидаги қарорлари негизида Республикаимизнинг барча ҳудудларида, жумладан Норин туманида ҳам янги турдаги ўқув юртларини ташкил этиш ишлари бошланиб тумандаги С.Адашев номидаги 16 касб хунар мактабида 1999 йил 1 мартдан қайта таъмирланиб негизида “Норин қишлоқ хўжалик касб хунар коллежи” барпо этилиб, 1999 йил 7 сентябрь куни коллежни очилиш маросимиташкил этилди.

Таълимнинг такомилли йўлида коллежнинг қисқа 16 йиллик тарихида ҳурматли кишилар раҳбарлик қилиб меҳнат қилдилар Ҳозирги кунда коллежда 1023 нафар ўқувчи тахсил олади.

1-жадвал

#### Коллеждаги талабаларнинг сифат таркиби

№	Йўналишлар номи	Босқичлар бўйича			Жами
		I	II	III	
1	Агрономия	60	60	60	180
2	Фермер хўжалигини	60	60	60	180

	бошқариш				
3	Парандачилик	60	60	60	180
4	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш	60	60	51	171
5	Информатика ва ахборот технологиялари	31	28	25	84
6	Бухгалтер ҳисоби ва аудит	32	60	25	117
7	Автомобил созлик	33	50	28	111
	Жами:	336	378	209	1023

Манбаа. Коллеж маълумотлари

Коллежда қуйидаги йўналишдаги фанлар кенгаши янада жонлантирилмоқда.

1. Умумфанлар-умумтаълим фанлари кенгаши
2. Аграрномия, селекция фанлар кенгаши
3. Иқтисодий ва тармоқлар технологияси фанлар кенгаши
4. Муҳосиблик ҳисоби ва аудиторлик фанлари кенгаши
5. Умуммахсус фанлар кенгаши
6. Ҳисоблаш усули ва автоматлаштириш;

Ҳозирги кунда коллежда жами 100 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Жумладан 2 нафар фан номзоди, 71 нафар олий маълумотли, 13 нафар олий тоифали, 24 нафар 1-тоифали, 10-нафар 2 тоифалидир. Ҳар бир ўқув йилида ўнлаб ўқитувчилар томонидан “очиқ ва муаммоли дарслар” ўтказилиб келинмоқда, ўқитувчилар ўзларининг назарий ва амалий билим савияларини ривожлантирмоқда, ёш ўқитувчиларга амалий жиҳатдан ёрдам берилмоқда. Ҳозирги кунда 231 нафар ўқитувчи ишчи ходимлардан иборат. Норин қишлоқ хўжалик коллежининг меҳнатсевар ва ахил жамоаси Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга тадбиқ этиш борасида изланиб, фидокорона меҳнат қилишга янада интилимқдалар.

Норин қишлоқ хўжалик коллежида ҳозирги кунда 4 бўлим, 8 та кафедра

мавжуд бўлиб

улар қуйидагилар ҳисобланади;

1. Ижтимоий фанлар
2. Умумтаълим фанлар
3. Иқтисодий фанлар
4. Бугалтерия ҳисоби ва аудит
5. Умуммахсус фанлар
6. Давлат ва хорижий тиллар
7. Жисмоний тарбия
8. Чақириққа ёшларни тайёрлаш кафедраларидир.

Директор лавозимида ишлаётган А. Атаханов ўз фаолиятини коллежнинг гуллаб яшнашига, ўқув фаолиятини янада яхшиланилашига, тартиб интизомини кучайтиришига ўз эътиборини қаратиб келмоқда.

Коллежда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари кафедралар, ўқитувчилар, ахборот ресурс маркази, услубчи ва рухшунослар бўйсундилар ўз навбатида мутахассислиги бўйича қуйидаги йўналишларни ўз ичига оладилар;

1. Молия йўналиши – бўлим бошлиғи Д. Даминов
2. Бухгалтерия йўналиши бўлими бошлиғи Ж. Солиева
3. Банк иши ва ҳуқуқшунослик йўналиши бўлим бошлиғи Г. Хақимова

Бўларнинг барчаси бевосита маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари ҳам бўйсундилар. Бу лавозим соҳиби ўқув фаолиятини маънавий ва маърифат жараёнларини, ахлоқий тарбиявий жиҳатдан назорат ўрнатади.

Касб таълими ва амалиёт бўйича директор ўринбосари А. Шералиев коллежда тахсил олаётган талабаларнинг ишлаб чиқариш объектларига ўтайдиган амалиёт жараёнларини назоратини амалга оширади. Амалиёт ҳақида талабаларга керакли маълумотларни бериб, уларни ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатишга тайёрлайди.

Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Х. Убайдуллаев ўз фаолиятини олиб бормоқда. Уларга ўз навбатида коллеждаги фаолият олиб бораётган ишчи ходимлар ўз-ўзидан бўйсундилар. Бундан ташқари коллеж талаба йигитларни

харбий чакирикка тайёрлаш учун ҳам алоҳида маъсул шахслар Ф.Мирахмедов ва С.Худойбердиевга юклатилган.

Ҳар бир корхона ташкилотларда бўлгани каби Норин қишлоқ хўжалик коллежида ҳам бугалтерлар фаолият олиб борадилар. Бош ҳисобчи Ж.Солиева коллеждаги ҳисоб-китоб ишларини олиб боради. Унга коллеж омбори ва ғазна бевосита бўйсундилар.

Республикада соғлом турмуш тарзига алоҳида эътибор берганидек ўқув муассасасида ҳам барча бирдек ситқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар.

Талабаларга дарсдан ташқари бўш вақтларида беҳуда сарфламаслиги учун ҳар хил фан тўғараклари, ўқув курслари ташкил этилган ва ҳозирги кунда талабалар ҳам ушбу тўғаракларга қатнашиб келмоқдалар.

Бундан ташқари маънавият хонаси, дарсликлар бир-биридан қизиқарли бадиий китоблар билан тўлдирилган кутубхона, замон талабларига жавоб берадиган ошхона, ахборот ресурс марказлари ҳам талабалар ихтиёридадир. Шу билан биргаликда ўтказиладиган фан олимпиадаларига тайёрлаш бўйича тўзилган қўшимча дарслар талабаларни олимпиадада олдинги ўринни олиб коллеж шарафини янада кўтаришга сабаб бўлмоқда.

Коллежда 7 мутахассислар бўйича фанлар чуқурлаштирилган ҳолатда олиб борилади. Бунга сабаб талаба амалиётга чиққанида панд емасдан устозлар берган билимларидан фойдалана олишларини таъминлашдилар.

Норин қишлоқ хўжалик коллеждаги педагогик жамоаси таълимий ишлар жараёнида таълимнинг таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёрлашга ҳамда ўқув муассасининг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжатидир. Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмдаги миқдорини ифодалайди. У муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

Норин қишлоқ хўжалик коллежида педагогик жамоанинг услубий бирлашмаси томонидан мутахассислик фанлар бўйича 28 та ўқув дастурлар ишлаб чиқилди ва педагогик кенгаш томонидан тасдиқланиб, Вилоят касб-

хунар бошқармасининг ўқув – услубий бўлимининг ички қарорига мувофиқ таълим жараёнида фойдаланилмоқда.

Ишлаб чиқилган фан дастури асосида ҳар бир ўқитувчи томонидан ишчи ўқув дастурлар яратилган ва фойдаланилмоқда.

Ишчи ўқув дастур асосида календар тематик режалар тўзилиб ўқув ишлар бўйича директор мовуни томонидан тасдиқланиб дарслар меъёрий хужжатлар асосида ташкил этиляпти.

Норин қишлоқ хўжалик коллежида таълим тўғрисида таълимни ташкил этиш шакллари, маъруза, амалий машғулотлар, курс иши, диплом иши, педагогик амалиётлар ўқув режасига киритилган ва ҳар бир педагоглар томонидан услубий кўрсатмалар қилинган, ҳозирда услубий кўрсатмалардан турдош коллеж ўқитувчилари фойдаланиб келмоқдалар.

Норин қишлоқ хўжалик коллежида умумтаълим фанлар билан бирқаторда Аганомия, уругчилик ва селекция асослари , Ўсимликшунос чорвадор фермер,. «Иқтисодиёт асослари», «Тадбиркорлик асослари», «Ишлаб чиқариш технологияси», «Менежмент» (бу ҳам бир неча йўналишларда бўлади), «Маркетинг», «Молия ва кредит» фанлари, «Қимматли қоғозлар», «Инвестициялар», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ва бошқа иқтисод фанларидир.

#### Фан ва спорт тўғараклари ҳамда спорт иншоотлари

Фан тўғараклари сони 59

Фан тўғаракларига қатнашувчи

ўқувчилар сони 756

#### Спорт секцияларида шуғулланувчи

ўқувчилар сони: 173

Мавжуд спорт иншоотлари: 4

Жумладан: спорт зали 1

спорт майдони 2

тренажер 1

Коллеж педагогик жамоаси диққатини умумтаълим фанлари бўйича ишчи дастурлар тузишни янада такомиллаштириш бўйича ишларни йўлга қўйиш. Баҳолашнинг рейтинг тизими мезонларини кафедралар йиғилишида муҳокама

килиб ўқув хоналарига кўргазмали ҳолда илиб кўйиш зарур. Амалий машғулотлар бўйича йўриқнома ҳариталарини янада бойитиб бориш, янги маъруза матнларини ишлаб чиқишни охирига етказиш, кўргазмали қуроолларни янада кўпайтиришга йўналтирилди.

2013-2014 ўқув йилида коллеж битирувчиларининг уч томонлама шартномалар тўзилган ва амалий ишлар амалга оширилмоқда

Компьютер техникалари

Жами таъминланди: 5 та компьютер синфи

Мультимедиа тўплами 2 тўплам

Ҳарбий СКАТ компютери 1 дона

Шахсий компьютерлар 10 дона

2-жадвал

Компьютер синфларининг ҳолати

Олинган йили	Ўқув хонаси номланиши	Компьютер хонасидаги мавжуд жиҳозлар номи ва сони	Изоҳ
2003	Компьютер синфи	PENTIUM-III компьютерлари(13 та,)	3 дона таъмирталаб
2004	Компьютер синфи	PENTIUM-IV компьютерлари (13 та,)	3 дона таъмирталаб
2005	Компьютер синфи	PENTIUM-IV компьютерлари (13 та,)	Ҳаммаси яроқли
2009	Компьютер синфи	PENTIUM-IV компьютерлари (13 та,)	Ҳаммаси яроқли
2012	Компьютер синфи	PENTIUM-IV компьютерлари (13 та,)	Ҳаммаси яроқли

Манбаа. Коллежнинг маълумотлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги ПҚ-381 сонли қарори, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг 2006 йил 30 июнлаги № 107 буйруғига асосан коллежнинг ахборот-ресурс маркази ташкил этилган.

Ахборот-ресурс марказида жами китоб фонди- 19232 дона

Янги авлод адабиётлари:

умутаълим фанлари дарсликлари	7290 дона,
касбий фанлардан	2460 дона,
махсус фан дарсликлари	6013 дона,
бадий адабиётлар	1500 дона
сиёсий адабиётлар	1969 дона

Ахборот-ресурс марказининг 38 ўринли ўқув зали мавжуд бўлиб, у ерда коллежнинг ўқитувчилари, ўқувчилар ва маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатилади. Даврий нашрларга обуна ташкил этилган. Китобхонларга ахборот-ресурс марказининг 7 нафар етакчи ходимлари хизмат кўрсатади. Компьютер техникаси билан таъминланган.

Коллежда тайёрланаётган мутахассисликлар инвентаризациядан ўтказилиб қўшимча мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга зарурат йўқлиги сабабли ўқувчилар қабулига қўшимча таклифлар киритилмаган.

Касб-ҳунар коллежида педагог ходимларни мутахассисликлар бўйича таъминланганлик ҳолати ўрганилганда “Иқтисодчи педагог” ва “Компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш ва созлаш бўйича техник” касблари бўйича келгуси йилларида икки нафардан педагог кадрларга эҳтиёж борлиги аниқланди. Педагогик қайта тайёрлашдан ўтиши зарур бўлганлар сони коллежда 22 нафарни ташкил этади.

3- жадвал

#### Педагог ходимларнинг малака ошириши

№	Ўқитувчилар	Жами	Сўнгги уч йилда малака оширганлар	Малака ошириш и керак бўлганлар	Педагогик қайта тайёрлашдан ўтиши керак бўлганлар
1	Умумтаълим фанлари	45	30	13	-
2	Махсус фанлар	40	22	10	22
3	Коллеж бўйича	85	52	23	22

Хулоса қилиб айтганда Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича етарли шароитлар ва имкониятлар мавжуд.

## **2.2. Норин қишлоқ хўжалик ўқитувчиларининг инновацион методлардан фойдаланиб дарс жараёнини ташкил этиш ҳолати.**

Норин қишлоқ хўжалик коллежида фанларни ўқитиш жараёнида коллеж услубчисининг олиб борган сайр ҳаракатлари асосида инновацион педагогик технологияларни қўллаш ва ундан фойдаланиш ҳолати юзасидан назорат ҳайъати ишларини мисол тариқасида таҳлил қиламиз.

Педагог ва ўқитувчиларни педагогик ва психологик билимларини, тажрибаларини ошириш бўйича коллежда ўқув амалий семинарлар ўтказилиб боради. Семинарларни ташкил этишдан мақсад замонавий ўқитувчига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда яъни педагогик технологияларни моҳирона қўллаш олишлари, ахборот технологиялардан фойдаланиб дарс сифатига эришишга қаратилган.

Норин қишлоқ хўжалик коллежида фанларни ўқитиш жараёнида қуйидаги замонавий педагогик технологияларни қўллаш ҳолати кўзатилади ва ҳар бир ўқитувчи томонидан ўзи яратган педагогик технологиянинг дарс ишланмасини ишлаб чиқишган.

Масалан қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилганлигини кўзатиш мумкин.

### **МУЛОҚОТ ТРЕНИНГИ**

Ушбу тренинг ўқувчи–талабаларда дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда бундай машғулот тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилади.

### **МУЛОҚОТ ТРЕНИНГНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Ўқитувчи машғулотни бошлашдан аввал тингловчиларни мулоқот, бахс-мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан таништиради

**1-БОСҚИЧ.**

-ўқитувчи ишни ўтказиладиган мулоқотнинг мавзусини аниқлашдан бошлайди, масалан, «Сиз қайси маданият тарафдорисиз: «Шарқ ёки Европа?». Шу мавзуни ўртага ташлаб тингловчилардан Шарқ маданияти ва Европа маданияти тарафдорларини аниқлаб олади. Уларни шу тартибда гуруҳларга бўлади.

## 2-БОСҚИЧ.

-ҳар бир гуруҳдаги тингловчилар ўз мавзулари бўйича керакли материаллар, далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрини тасдиқловчи кўргазмали материаллар, имкони бўлса видеофильм, мақолалар, мутафаккир ва олимларнинг сўзлари ва бошқаларни тайёрлайдилар. Гуруҳдан бир кишини ҳимоя учун танлайдилар, қолганлар эса ўз фикрларини қўшимча қилишлари мумкин. Ўқитувчи гуруҳ талабаларининг тайёргарлик кўриш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вақт беради.

## 3-БОСҚИЧ.

-гуруҳлар ҳимояга тайёр бўлгач ўқитувчи гуруҳларнинг бирига ҳимоя учун сўз беради (ҳимояга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Гуруҳ вакили гуруҳ номидан сўзга чиқиб уларга берилган мавзуни тайёрланган материаллар, далиллар асосида ҳимоя қилишга киришади. Гуруҳ вакили сўзини тугатгач, гуруҳнинг қолган аъзолари қўшимча фикрлар билдиришлари мумкин.

## 4-БОСҚИЧ.

-машғулотнинг 3-босқичидаги каби бу босқичда ҳам ўқитувчи навбатдаги гуруҳ вакилига ҳимоя учун сўз беради. Иккинчи гуруҳ ҳам биринчи гуруҳ каби ўз мавзуси бўйича ҳимоя қилади. Ҳимоя тугагач, ўқитувчи машғулотнинг кейинги босқичига ўтади. Ҳар иккала ҳимоя вақтида ўқитувчи иложи борича ўз фикр ва мулоҳазасини билдирмасликка, савол бермасликка ҳаракат қилади, ҳеч қайси гуруҳга ён босмаган ҳолда мулоқотни бошқаради, гуруҳ ҳимояси вақтида тартиб сақланишига ва мулоқотни ўтказишга қўйилган талаб, қоидаларнинг тўлиқ бажарилишига эришишга ҳаракат қилади. Бу босқичда, асосан, икки гуруҳ эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади.

## 5-БОСҚИЧ.

-гуруҳлар бир-бирларига савол беришни бошлайдилар. Гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар улар ҳимояси вақтида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида, шунингдек, ўз гуруҳларининг

фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларни ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват қилиш учун берилиши мумкин. Тингловчилар эркин ҳолда ўзларининг чиқишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи бундай ҳолатга шароит, имконият яратади, яъни у баҳс-мунозарани самимийлик билан бошқаради.

#### 6-БОСҚИЧ.

-ўқитувчи ҳар икки томоннинг бир-бирларига саволлари, айтадиган фикрлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, ҳар икки гуруҳ томонидан айтилган фикрларни умумлаштиради ва ўзининг бу масала ҳақидаги фикр ва мулоҳазасини баён этади ва гуруҳ тингловчилари томонидан тушган саволларга керакли жавобларни беришга ҳаракат қилади.

Машғулот охирида ўқитувчи ҳар иккала гуруҳнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машғулотни яқунлайди. Ушбу тренингнинг давомийлиги шароитга қараб белгиланади.

#### ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишда ёки ўқув–семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақида фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

#### ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

##### 1 – БОСҚИЧ

- ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

- ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради;

- машғулот давомида ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

## 2 – БОСҚИЧ

- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф – фикрингизни баён этинг;

С – фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг;

М – кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг;

У – фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қоғозни ФСМУ нинг 4 – босқичи бўйича ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

## 3 – БОСҚИЧ

- ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, тренер уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга ажратиш усулларининг биридан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади;

- ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

## 4 – БОСҚИЧ

- кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади;

- гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар;

- фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

## 5 – БОСҚИЧ

- кичик гуруҳлар умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди (иложи борича изоҳ бермаган ҳолда). Баъзи бўлимларни исботлаши, яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

## 6 – БОСҚИЧ

- ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

- қуйидаги саволлар билан тингловчиларга муурожаат қилади;

- ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

- ушбу технологиянинг ўқув жараёнига қўлланилиши қандай самара берди?

- ушбу технологиянинг қўлланилиши талаба-ўқувчиларда қандай хислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

- ушбу технологияни ўқув жараёнининг қайси босқичида қўллаш маъқул ва нима учун?

- ушбу технологиянинг дарс жараёнида қўлланилиши ўқувчи талабаларга нима беради ва нимага ўргатади?

- ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

- ушбу тренингда ўқитувчининг асосий вазифаси нимадан иборат.

ИЗОҲ: юқорида келтирилган саволлар ҳар бир тренингнинг мазмуни, мақсадидан келиб чиқиб тренер (ўқитувчи) томонидан тингловчиларга ёки талаба-ўқувчиларга берилиши мумкин.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси:

## ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(Ф) – Фикрингизни баён этинг;

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

Бундай технологиялардан фойдаланиб дарс берувчи ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади.

Коллежда талабаларнинг қизиқишларини ривожлантириб бориш учун шундай технологиялардан фойдаланиш самара бермоқда.

Норин қишлоқ хўжалик коллежида ўқитувчилар томонидан қўлланилиб келаётган технологияларнинг мониторингини ишлаб чиқдик.

Ўтказилган тадқиқот жараёнида қуйидагиларни умумлаштирамиз.

Ёш ўқитувчиларнинг ноанъанавий усуллардан фойдаланиш ҳолати фоиз (%) кўрсаткичи ҳисобида олинган.

Дарсда касбга йўналтириш-20%

Ўйлаб топ (эврика дарси)-25 %

Баҳс-мунозара дарси-25%

Конференция дарси-15%

Тажриба дарси- 15%

4-жадвал

#### Педагогик технологиялардан фойдаланиш мониторинги.

Ноанъанавий усул турлари	Ноанъанавий усул эгаллаш йўллари	Ноанъанавий усул жараёнлари	Фоиз ҳисобида (%)
Дарсда касбга йўналтириш	Ўқиш	Таълим-тарбия жараёни	20%
Ўйлаб топ (эврика) дарси	Англаш	Дарс жараёнида	25%
Баҳс-мунозара дарси	Таълим олувчиларнинг иттифоқини ривожлантириш	Мулоқот жараёнида	25%
Конференция дарси	Олдиндан кўра олиш	Тадбирлар уюштириш жараёнида	15%
Тажриба дарсларини ўтиши	Ўзаро алоқадорлик	Ўқитувчи-ўқувчи	15%

Манбаа .Тадқиқот натижалари.

Бундан кўриниб турибдики ёш ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услубларидан самарали фойдаланиш учун қуйидагиларни тавсия этишимиз мумкин.

- Дарс мақсадини тўғри танлай билиши;

- дарс жараёнида танлаган ноанъанавий усуллар ўқувчиларнинг ёш психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарсни ташкил этиш;
- талабаларни эркин фикрлашини ривожлантириб бориш;
- таълим воситаларидан фойдаланиб дарс самарадорлигига эришиш;
- давлатимиз томонидан қабул қилинаётган Қарор ва Қонунлар, Президентимизнинг фармони ва асарлари мазмуни билан танишиб бориши ва билимларини талабаларга етказиб бера олиши;
- дарс жараёнида талабаларни мустақил фикрлашларини тахлили қила олиши;
- коммуникативликни тўғри амалга ошириши орқали таълимнинг самарадорлигига эришиш мумкин.

Бундай ташкил этиб ўтилаётган дарслар педагогнинг янада маҳоратини ошириб дарснинг мақсадига эришишига замин бўлиб хизмат қилади.

### **3-Боб. Норин қишлоқ хўжалик коллежида ўқитувчининг инновацион педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари.**

#### **3.1 . Коллежўқитувчисининг таълим – тарбия жараёнида педагогик маҳорати самарадорлигини ошириш йўллари.**

Ҳозирги замон жамиятининг ҳамма соҳасида ҳар кимдан ташаббускорликни, ижодни, мустақил фикрлашни талаб қилади.

Шундай экан коллежда иқтисодчи ўқитувчининг педагогик маҳоратини самарадорлигини оширишда қуйидагиларга аҳамият қаратилса , таълим- тарбия жараёнининг мақсадига эришилади.

Дарс - педагогик ижодкорликнинг асосий майдони. Ўқитувчининг асосий педагогик эҳтиёжи - ўргатиш, етказиб бериш - айнан дарсда амалга ошади. Шундай экан, дарс таълим жараёнини ташкил қилишга тўғри, янгича муносабат керак.

Бўлар:

1. Тарбиявий масалалар - ўқувчиларнинг бўлаётган ходисаларга, атрофга бўлган дунёқарашини шакллантиради. Уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини тарбиялайди.
2. Илм оширадиган масалалар - ўз ичига ўқувчиларни билим, куникма ва малакалар билан куроллантиришини олади.
3. Билиш масалалари - ўқувчиларда ўрганилаётган материаллардан асосийсини, муҳим жойларини ажрата олиш қобилиятини, ўқув фаолиятида ва фикрлашда мустақил бўлишни, ўқишда қийинчиликларни енгишини шакллантириш.

- ўқув дастуридан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш;
- ҳар бир мавзунинг ҳозирги замонга, ўқувчиларнинг ёшига мос бўлиши;
- ўқитувчининг ҳаётий ва иш тажрибага, маънавий ҳолатига мос бўлиши;
- ўрганилаётган мавзунинг олдинги утилган, кейин утилиши керак бўлган мавзуларга мос келиши;
- ҳар бир мавзунинг ўқувчилар психологияга мослашиш мақсадга мувофиқдир.

Тажрибали ўқитувчи қолоқ билим олишда пассив ўқувчиларни қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин:

- билиш доираси суст (диққатсиз, хотираси ёмон, фикрлаш, мулоҳаза юритиш доираси яхши ривожланмаган ва х.к.)
- эмоционал - иродалилигидаги камчиликлар (пассив, суст, ортиқча ҳаяжонли, қунти йўқлиги ва х.к.)
- шахсий сифатларнинг яхши шаклланмаганлиги (билим олишга қизиқиш, мустақил иш юритиш, жавобгарлик, маъсулият)
- бир қанча камчиликларни уйғунлашуви,

Дидактик категориялар асосида қуйидагиларни аниқлаш керак;

- дарснинг дидактик принципларига ва таълим-тарбия жараёнининг талабларига мос келиши:
- унинг йўли, яъни бориши ва натижалари дарс ва дастур талабларига ҳамда дидактик мақсадларига мос келиши:
- дидактик масалаларнинг ечилганлиги ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш мақсадининг амалга ошганлиги:
- таълим методлари ва усуллариининг дидактик масалаларига мос келганлиги: -ўқувчиларнинг мустақил билим олишда юқори даражага эришилганлиги, таълим ва тарбияни ўзаро боғлай олганлиги;
- дарснинг ҳаётий тажрибалар асосида бўлганлиги.

Дарс жараёнида ўқувчилар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири ўқувчиларни ўз фанига

қизиқтира олишдир. Олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишгина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира, тафаккур ва ирода каби функцияларига ижобий таъсир кўрсатади.

### **3.2. Коллеж ўқитувчисининг инновацион педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари.**

Таълим ижтимоий тизимининг бир қисми бўлиб, у ўз ривожланишида жамиятдаги йўналишларга эргашиб рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим. Ана шу доирада инновациялар таълим олдида тўрган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Педагогик назария ва амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасига умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган қуйидаги асосий янгиликлар хосдир.

Француз олими Э.Брансуик педагогик инновацияларнинг уч турини ажратади:

1. Янгиликлар – тўла янги ва илгари номаълум бўлган таълимий ғоялар ҳамда ишлар бўлиб, унда бутунлай янги, оригинал ғоялар жуда камдир.
2. Янгиликларни энг кўп миқдори мослаштирилган кенгайтирилган ҳамда қайта ишланган ғоялар бўлиб, улар маълум муҳит ва вақт ичида долзарб бўлади.
3. Педагогик янгиликлар ушбу ҳолатда юзага келади: мақсадлар ўзгарган шароитларда такрорий қўйилиши муносабати билан баъзи илгари мавжуд бўлган ишлар қайта янгиланади. Бу уларнинг ва маълум ижобий ғояларнинг муваффақиятли бўлишига кафолат беради.

Дарс жараёнида ўқувчилар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олишдир. Олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишгина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира, тафаккур ва ирода каби функцияларига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг билишга оид қизиқишлари кўп қиррали қиёфаларда намоён бўлади: ўқувчини ҳаракатчан ва қизиқувчанлиги, ўқувчининг айрим ўқув фаолиятига шунингдек, умуман ўқишга бўлган мотивлари, ўқувчи шахсининг ўзига хос белгилари ва унинг ёналишини қарор топиши ана шулар жумласидандир.

Ўқувчи ёш даврига хос табиий фаоллиги, бирор бир ақлий қизиқиш билан қамраб олинмаса, уни қайси томон бошлаб кетишини олдиндан айтиш қийин. Шунинг учун ҳам К. Д. Ушинский "зўрлаш ва мажбурлашга асосланган ўқитиш" ўқувчининг ақлий ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шунини таъкидлаш лозимки, қизиқишлар ва мотивлар ўқувчилар ўқув фаолиятларининг шаклланиш даражасига қараб шахсининг шакллантирувчи (ўқувчининг назарий фикри, ўқиш фаолиятини ўқувчи шахси учун аҳамияти) дастлабки омиллар билан ўзаро мураккаб муносабатларда намоён бўлади.

Хўш, ўқувчиларнинг ўқишга (билишга) бўлган қизиқишларини шакллантириш шартлари қандай? Моҳир ўқитувчи уларни дарсда ўқувчиларда шакллантириш учун нима қилиши керак? Ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва ўқишга бўлган қизиқишларни доимо ривожлантириб бориш учун нима қилиш керак?

Моҳир ўқитувчи ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва доимо ривожлантириб бориш учун қуйидагиларга амал қилиши муҳимдир:

1. Ўқувчиларни билишга интилишини, фанга умуман олганда ақлий меҳнатга қизиқишларини ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташқил этилишини таъминлайдики, унда ўқувчи фаол ҳаракат қилади, муцақил изланиш ва янги омилларни "кашф этиш"га, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.
2. Ўқув фаолияти бошқа фаолиятлар каби фақат турлича бўлгандагина, қизиқарли бўлади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир хил усулдаги ҳаракатлар тез орада зерикишни вужудга келтиради.
3. Фанга бўлган қизиқишни шакллантиришда бу фанни ва унинг айрим қисмларини ўрганишнинг зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини ўқувчиларга аниқлаш жуда зарурдир.
4. Ўқитилган материал олдинги материал билан қанчалик кўпроқ боғлаб тушунтирилса, у ўқувчиларга шунчалик қизиқарлироқ туюлади. Ўқув

материалини ўқувчиларни қизиқтирадиган нарсалар билан боғлаб тушунтириш ҳам, уларни дарсга қизиқтиришда муҳим рол ўйнайди.

5. Ўртача қийинликдаги ўқув материали ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқув материали бир оз қийинроқ, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши керак.

6. Ўқувчилар бажарган ишларни тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган қизиқишини уйғотади.

7. Ўқув материалнинг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқитувчининг завқланиб гапириши ҳам ўқувчига, уни фанга бўлган қизиқишини ортишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Илғор ўқитувчилар ўқитиш методларини танлашга алоҳида эътибор берадилар. Ўқувчиларнинг фронтал, дифференциялашган ва яқка тартибдаги фаолиятлиларининг умумий жиҳатлари кўпроқ бўлсада, уларни ташкил этиш ўқитувчидан ўзига хос ижодий ёндошишни талаб қилади. Ўқувчилик фаолиятининг объектини таркиби ва ўзига хослиги унинг ҳар бир аниқ вазиятга ижодий ёндошишини тақозо қилади. Агар бутун синф, гуруҳ ва алоҳида шахсга нисбатан бир хил метод билан таъсир кўрсатилар экан, унда тарбияси ҳам, ижодий ёндошиш ҳам барбод бўлади.

Айрим ҳолларда ўқишга қизиқтирувчи методлардан, бошқа ҳолларда эса бурч ва жавобгарликни ҳис этишни рағбатлантирувчи методларга кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади. Тажрибали ўқитувчилар ўтилаётган мавзунини халқ хўжалиги масалаларини ҳал этишдаги аҳамиятига оид қизиқарли мисоллар келтирадилар, дидактик ўйинлардан, ўқувчилар фаоллигини рағбатлантирувчи турли усуллардан фойдаланадилар. Лекин ўқувчи фаолиятида ҳамма нарсани равшан ва қизиқарли ҳолда тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларда пайдо бўладиган қийинчиликларни енгиш учун ўзига ирода ва қатъийликни ҳам таркиб топшириши зарур.

Моҳир педагоглар маъруза, семинар, мунозара, конференция, ўқув саёҳати, ўқувчи-маслаҳатчилар ёрдамида муцақил дарс, кўрик-конкурс каби дарс турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар.

Ўқитувчининг моҳирлиги юқорида кайд қилинган инновацион технология турларини ўтиш техникасининг эгаллашида намоён бўлади.

Ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда маъруза дарсларнинг аҳамияти каттадир. Тажрибанинг кўрсатишича, маърузани бошлашдан олдин бу материални ўрганишда кўзланган аниқ мақсадни таъкидлаш лозим. Сўнгра билимларни эгаллаш ғояни исботлаш, оқилона ҳаракат усулларини танлаш принципларни кўрсатиш зарур. Шундан сўнгина мавзунини моҳиятини очиқ берилди.

Ўз ишига ижодий ёндошадиган ўқитувчилар маъруза давомида диалог, савол-жавоб, қайтариш, зиддиятли вазиятлар, ўхшатишлар ва бошқа фаолият турларидан унумли фойдаланадилар.

Ўқувчиларга янги билимларни ва қонуниятларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган ақлий фаолиятни ривожлантиришда семинар дарслар муҳим аҳамият касб этади. Илғор ўқитувчилар тажрибаларида таъкидланганидек, семинар дарсда энг қолоқ ўқувчи ҳам бошқа турдаги дарсда уддалай олмайдиган миқдордаги ақлий иш бажарар экан. Машғулотлар одатдагидан ташқари ноинновацион технология усулларда олиб борилади. Баъзан у мунозара ёки суҳбат шаклида бўлиши мумкин. Лекин ўқув материални аниқ ва ишонarli қилиб баён этилади.

Илғор ўқитувчилар иш тажрибасида мунозара дарслар ҳам муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ўқитувчиларни таъкидлашларича, мунозара дарсларни ўтиш жуда катта моҳирликни талаб этади. Бунда энг аввало ўқувчилар фикрларини таққослаш ва уларнинг фикрларидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш муҳимдир. Лекин дарснинг бу турини ҳар доим қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки биринчидан, ҳамма мавзулар ҳам мунозарабоп эмас, иккинчидан мунозарага тайёргарлик кўриш ўқитувчидан жуда кўп вақт талаб қилади.

Табиат қўйнида ёки ишлаб чиқариш шароитида ўтиладиган дарслар ҳам ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини ортишида муҳим рол ўйнайди

Дарснинг ноинновацион технология шаклларида бири кўрик-конкурс дарсидир. Бунда синф (гурух) ўқувчилари 3-4 тадан гурухларга бўлиниб, мавзунини мустақил ўзлаштириб дарсни ўзлари баён қиладилар. Дарснинг бу тури мусобақа шаклида ўтказилгани учун ҳар бир ўқувчи унга сидқидилдан ақойдил тайёргарлик кўришга интилади. Баҳолашда ҳам гурухдаги барча ўқувчилар иштирок этадилар. Бунда дарснинг мазмуни, методик таъминоти,

материални тушунтиришни ўзига хослигига алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларни гуруҳчаларга бўлиниб ишлашлари эса уларни жамоада ҳамкорлик билан ишлашга, ўзаро ёрдам беришга ўргатади.

Муаммоли ўқитиш бунёдкор ва илғор ўқитувчиларнинг тажрибасиз ўқитувчидан тубдан фарқ қилувчи томонлари қуйидагилардан иборат: Тажрибаси бўлмаган ўқитувчилар дарсда ўқувчиларга асосан билимларни тайёр ҳолда берадилар. Бундай ўқитувчилар дарсда кўпроқ ўқув материални ўқитувчи тушунтиришидан ёки дарсликдан ўқувчиларнинг ёд олишига ҳаракат қиладилар. Баъзи ўқитувчилар эса "ҳаммабоп" комбинатсиялишган дарсга ўта берилиб кетадилар ва бир хил андоза бўйича ишлайдилар. Албатта, бу ўқитишдаги муаммони излаб топиш ва муаммоли вазиятлар яратишдан осон. Баъзи ўқитувчилар эса ривожлантирувчи таълим моҳиятини тўла-тўқис тушуниб ета олмайдилар. Улар етарли даража дидактик ва умумпедагогик маълумотларга эга эмаслар. Натижада муаммоли ўқитишни жорий этишда муваффақиятсизликка учрайдилар.

М. И. Махмудов таъкидлаганидек, ҳозирги замон ўқитувчилари учун муаммоли методни жорий этиш қийинчилик туғдиради, чунки «ўқув дастурлари ва дарсликлар» инновацион технология педагогик тафаккур асосида, эскириб қолган дидактика ва методикага асосланган. Ўқув материални баён этиш мантиғи эса уни батафсил (ипидан-игнасиғача) тушунтиришни талаб қилади ва ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятларига деярли эътибор берилмайди.

Моҳир ўқувчилар, ўз ишининг усталари учун эса ўқувчилар билан демократик услубда мулоқот қилиш ва ўқувчиларнинг ижодий тафаккурларини ривожлантирувчи муаммоли методлар системасини қўллаш ҳарактерлидир. Улар билимларни ўзлаштиришни барча босқичларида муаммоли вазият яратишга эришадилар. Улар ўқувчиларнинг формула ва қонунларни, сон-саноксиз рақамлар ва исмларни, юзлаб қоида ва таърифларни сохта ёд олишларини, уларнинг хотираларини ҳаётда керак бўлмайдиган нарсалар билан тўлдириб банд қилишни қоралайдилар.

Моҳир ўқитувчи дарс ўтиш методикасини доимо такомиллаштириб боради. Муаммони қўяр экан ўқувчини уни ҳал қилишидаги ички зиддиятларни, овоз чиқариб мулоҳаза юритади, ўз фикрларини баён қилади ва уларни муҳокамага

кўяди. Содир бўладиган эътирозларни олдиндан бартараф қилади, ҳақиқатни тажрибада (уни намойиш қилиб ёки олимлар ўтказган тажрибалар асосида) исботлайди. Ўқитувчи ўқувчилар олдида илмий тафаккур юритиш йўлларини намойиш қилади. Ўқувчиларни илмий изланиш ёрдамида ҳақиқат томон йўллайди, уларни бунда иштирокчи бўлишларини таъминлайди.

Бунёдкор ўқитувчилар муаммоли ўқитишга алоҳида эътибор берадилар. Масалан, В. Ф. Шаталов ўқувчиларга жуда кўп масалалар ечтиради ва назарий билимларни амалда қўллаш малакаларини шакллантиради. Агар ўқитувчининг тушунтириши, қўлланиладиган таянч сигналлар, схемалар ва конспектлар уларни хотираларини ривожлантирса, масалалар ечиш эса уларнинг тафаккурини ўциради, математик мантикий фикрлаш эса мустақил фаолиятда таркиб топтирилади. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришда таянч сигналлар тузиш, "очик фикрлар дарслари", олимпиадада иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бунёдкор ўқитувчилар фикрича муаммоли ўқитиш ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини, уларни эркин фикрлашларини таъминлайди. Илғор ўқитувчилар ўқув материални блоклар бўйича бериш, умумийликдан хусусийликка, қонунлардан ходисаларга томон ёналишга асосланган принтсиплардан оқилона фойдаланадилар. Шундай қилиб, бунёдкор ўқитувчилар муаммоли вазият амалиётини янги бир поғонага кўтарадилар. Уларнинг тажрибалари замонавий дарсга ёндашиши, уни ташқил этишни янгича тушунишга асос яратди. Бу бевосита муаммоли ривожлантирувчи ўқитишга бевосита боғлиқдир.

Бунёдкор ўқитувчининг дарс ўтиши ҳозирги янги педагогик технологиялар ўтиладиган муаммоларни ўзида мужассам қила оладими?

Ижодий характерга эга бўлган масалалар

Моҳир ўқитувчи дарси-бу педагогик ва ўқувчининг ҳамкорлигидаги меҳнати, маданий тафаккур лабораториясидир. Бундай дарс ўқувчиларда қизиқиш, синчковлик, билимга оид эҳтиёжлари намоён бўлади. Ўқувчилар савол берадилар ва улар ўзлари жавоб излайдилар, тафаккурларини ишлатадилар, ўқишдаги ўзларининг кучларига мос бўлган қийинчиликларни енгишга ўрганадилар.

Инновацион технология дарсда одатдагидек, ўқитувчи савол беради, ўқувчилар эса фақат дарсликларга асосланган ҳолда жавоб берадилар. Шунинг учун ҳам гўёки ҳақиқат ўқитувчилар ва дарслик муаллифлари томонидан кашф этиб қўйилгандек туюлади. Яна нимани излаш керак? Бу излаш нима учун керак? Ҳақиқат аниқланган, фақат уни идрок қилиш, ёдда сақлаш ва сўзлаб бериш зарур холоску. Бундай тушунча дарсларда зеркиш, дангасалик ва оқибатда маънавиятсизликка олиб келади.

Ўқувчиларни фаоллигини ва изланувчанлигини муаммоли ўқитишни амалга оширишда мохир ўқитувчилар ўқувчиларга бериладиган савол ва топшириқлар системасини ўйлаб топадилар. Улар тўзган саволлар лўнда, қисқа ва аниқ бўлади. Улар ўқувчиларни қизиқувчанлигини ва муцақил фикрлаш қобилиятларини режалаштириб қолмай, балки уларни ижодий қобилиятларини ҳам ривожлантирадилар. Уларни тартиб қоидага риоя қилишларига, ихчам бўлиш руҳида ҳам тарбиялайдилар. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, илмий изланишлар кўрсатганидек, ёш ўқитувчиларни ўқувчиларга берган саволларнинг 80 фоизи фикрлашни талаб этмайди. "Буни номи нима?", "Бу қайси йилда бўлган эди?", "Сифатни таърифини айт!" ва бошқалар ана шундай самарасиз саволларга мисол бўла олади. Албатта, механик хотирани ишлатиш, уни ривожлантириш зарур, лекин шу билан бирга ўқувчиларнинг билишдаги фаоллигини, тафаккури ва диққатини ҳамда ривожлантириш зарурлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Ўқувчиларга бериладиган саволлар қарама-қарши, исбот талаб қилувчи фикрларга бой, мавжуд билимлардан, фақат муайян ҳолатда зарурини танлаб ишлатиши, таъминлайдиган билимларни амалда қўлланилиши лозим.

Кўзланган вазифаларнинг бажарилишини баҳолаш натижасида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаш даражаси аниқланади. Агар эришилган натижа ўқувчининг энг юқори имкониятлари даражасида бўлса, кўзланган мақсадга эришилганлик самараси ва сифати энг мақбул деб ҳисобланади.

Дарснинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ўқитувчи учун мохирлик устахонаси, машғулотни ташкил этишнинг энг самарали шакл ва методларидан онгли равишда фойдаланиш шарти бўлиб ҳисобланади. У дарсда нималарга

эришди, нималарга эриша олмади, муваффақиятсизликни сабаби нима ва уни бартараф қилиш ёллари қандай, педагогик маҳоратни янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилади.

Дарс сифатини инновацион технология усулда: сўраш, тушунтириш-мустаҳкамлаш ва уй вазифаси схемасида аниқлаш ҳам мумкин. М. И. Махмудов бундан фарқли ҳолда замонавий дарс сифатини "кенг" ва "тор" мазмунда, дидактик категория ва таркибий тузилиши қисмлари бўйича таҳлил қилиниши лозимлигини таъкидлайди.

Дарсни дидактик категориялар бўйича таҳлил қилиш қуйидагиларга аниқлик киритишни аниқлатади:

- Дарс дидактик принциплар ва ўқув тарбиявий жараёни ташкил этиш талабларига жавоб бердими?

- Умуман олганда, дарс таркибий тўзилиши ва шу жумладан, унинг ички ва ташқи таркибий тўзилишлари қандай бўлди?

- Ўқитиш методларини кўргазмалилик ва УТБдан фойдаланиш билан биргаликда қўллаш дарснинг дидактик мақсадларига мувофиқ бўлди, бу ўқувчиларнинг мустақил ишлари, таълим ва тарбияни биргаликда юқори даражада амалга оширишни таъминлай олди?

- Дарсда ўқувчилар фаолиятини яқка тартибда ва дифференциаллашган ҳолда ташкил этиш, дарсни ҳаёт билан боғлаб олиб борилганлиги нима билан характерланади?

Дарсни таркибий тўзилиши қисмлари бўйича таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлайди: янги тушунча ва ҳаракат усулларини шаклланиши, кўникма ва малакаларни шакллантириш, дарсни қайси қисми ўқувчилар тарбиясига кўпроқ таъсир этди. Бўларнинг ҳаммаси дарснинг сифат кўрсаткичларини белгилайди.

Шундай қилиб, ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишдаги маҳорати ўта мураккаб, Лекин ўз ишига ижодий ёндашган ҳар бир ўқитувчи уддалай оладиган вазифадир.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Ноанъанавий дарс ўтиш жараёнини фаоллаштириш, талабаларда ноанъанавий дарс ўтишга бўлган интилиш, мавзуга оид маълумотларни интернет орқали

излаш, ўқиб ўрганиш, ноанъанавий дарс ўтиш кўникма ва малакаларини шакллантириш зарурлиги таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги таҳлил қилинди.

Ноанъанавий дарс талабаларда шахсий, касбий, индивидуал хусусиятларни намоён қилишга; билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга; уларнинг умумкасбий ҳамда махсус фанларга оид билимларини режалаштиришга; аудиторияда ва аудиториядан ташқарида олинган билимларни тартибга солишга, шунингдек назорат қилиш учун онгли равишда фойдалана билишга; ижодий қобилиятларини ривожлантиришга асос бўлиши аниқланди.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда ноанъанавий дарсни ташкил этишда қуйидагиларга эътибор бериш лозимлиги илмий асосланди:

- умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича билимларни тўлиқ ўзлаштириш малакаларини ривожлантириш;

Аудиторияда ноанъанавий дарс олишнинг самарали шакл ва методлари танланди ҳамда улардан фойдаланишда таълим воситаларини қўллаш усуллари ишлаб чиқилди.

Уқувчиларни умумкасбий ва мутахассислик фанларига мос машғулотларни ташкил этиш ҳамда уларнинг мустақил ҳолда бажаришлари мумкин бўлган умумкасбий кўникма, малакалари ўрганиб чиқилди.. Ҳар бир соҳа бўйича касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда ноанъанавий дарс жараёнидаги ҳолатлар ўрганиб чиқилди. Талабаларнинг ноанъанавий дарси уларнинг касбий шаклланишида муҳим омили эканлиги аниқланди. Мутахассислик бўйича таҳсил олаётган бўлажак мутахассисларнинг ноанъанавий дарсини ташкил этиш масаласини назарий ва методик жиҳатдан ишланганлик даражасини ошириш мақсадида қуйидаги тавсияларга эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Касбий фанларни ўқитишда талабаларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш самарадорлигини ошириш мақсадида модулли тизим асосида машғулотларни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш.
2. Касб-хунар таълими муассасаларида талабаларнинг ноанъанавий дарсларига имкон берувчи моддий-техник базани мустаҳкамлаш чора тadbирларини белгилаш.

3. Талабаларнинг ноанъанавий дарсини ташкил этишда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи махсус электрон дастурлар, дарслик ва қўлланмалар яратиш.

4. Назарий ва амалий билимларни бир-бирига боғлашда ноанъанавий усуллардан фойдаланиб дарс самарасига эришишни таъминлаш.

5. Коллеж ўқитувчиларини дарс машғулотларини самарали ташкил этиш юзасидан коллежда ўқув-амалий семинарлар ташкил қилиниб борилиши.

6. Замонавий педагогик технологияларга асосланган очик ва муаммоли дарслар сифатига кафедра кунларида алоҳида эътибор берилса мақсадга мувофиқдир.

7. Коллеж ўқитувчиси ўз педагогик маҳоратига қуйидаги босқичларда эришиши мумкин:

8. Психология ва педагогика туркумидаги фанларни чуқур ўрганиш;

9. Махсус ва умумтехник фанлар, уларни ўқитиш методикасидан пухта билимга эга бўлиш;

10. Педагогик амалиётда фаол иштирок этиш ва уни самарали ўтказиш;

11. Ўз фаолиятини доимо таҳлил қилиб, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш, бошқалар тажрибасини ўрганиш;

12. Ўз устида мустақил ишлаш, малака ошириш курсларида ўқиб бориш.

Ушбу киритилган таклифларни коллеж маъмуриятига тақдим этилди ва келгусида фойдаланишлари учун керакли тавсиялар тақдим этилди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: “Ўзбекистон”, 1992й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1997й.
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Т.: “Ўзбекистон”, 1997й.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.**

1. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли қарори.
2. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:**

1. Каримов И.А. «Юксак маънавият енгилмас куч» Т., «Ўзбекистон» 2008й.
2. Каримов.И.А “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марраралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидаги 2005 йил яқунларига бағишланган маърузаси. 10 феврал, 2006 й.
3. Каримов.И.А «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз». Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
4. Каримов.И.А. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
5. Каримов.И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
6. Каримов.И.А. «Баркамол авлод орзуси» Т., «Шарқ» 1999 й.
7. Каримов.И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
8. Каримов.И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт ёъли». Т., «Ўзбекистон» 1992 й.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруғи.

### **V. Дарсликлар**

1. Авлиёқулов Н. «Замонавий ўқитиш технологиялари». Тошкент 2001й.
2. Азизхўжаева Н.Н. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат». Тошкент., 2003й.
3. Беспалько В.П. «Слагаемые педагогической технологии». М.: Педагогика 2000г.

4. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Дарслик. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Т., 2000, 130 б.
5. Каримова В.М., Акрамова Ф., Абдуллаева Р. Педагогика. Психология. Ўқув қулланма. ТДИУ. 2007.
6. Мавлонова Р., Тўраева О ва бошқ. Педагогика. Дарслик. “Ўқитувчи”. Тошкент. 2001.
7. Селевко С. «Современные образовательные технологии». Москва 1998г.
8. Турсунов. И.Й., Нишоналиев У. Педагогика курси. Дарслик. Т., Ўқитувчи. 1997. 232 б.
9. Фаберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. «Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари». Т-2002й.
10. Хашимов К., Нишонаева С. Педагогика тарихи. Дарслик. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Т., 2005. 304 б.
11. Хўжаев Л., Хакимова М., Хошимова М. Педагогика. Дарслик. ТДИУ. 2007.

#### **VI. Ўқув қўлланмалар.**

1. Авлиёкулов Н. «Замонавий ўқитиш технологиялари». Тошкент 2001 й.
2. Мамажонов И. «Янги педагогик технологиялар». Масалалар тўплами. Т. 2005й.
3. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000й.
4. Саидахмедов Н. «Янги педагогик технологиялар». Т. «Молия» 2003й.
5. Тожибоева Д. «Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси». Т. 2003й.
6. Хошимова М.К. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат». Маърузалар матни. Т. 2005й.
7. Хўжаев Н., Мамажонов И «Янги педагогик технологиялар». Маърузалар матни. Т. 2005й.
8. Хўжаев Н., Шарипов Ш. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси». Маърузалар матни. Т. 2005й.
9. Хўжаев Н ва бошқалар “Педагогика асослари” Т. 2003й.
10. Хўжаев Н ва бошқалар “Таълим назарияси” Т. 2003 йил.
11. Йўлдошев Ж., Усмонов С. «Педагогик технология асослари». Т. “Ўқитувчи” 2004й.

## **VII. Докторлик, номзодлик диссертациялари**

1. Зокиров И.И. «Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг назарий-амалий асослари». Номзодлик диссертацияси. Т.-2005й-128б.
4. Исимова А.Б. «Дарсдан ташқари таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг педагогик шарт шароитлари» номзодлик диссертацияси. Т., 2004й.-145 б.
3. Маҳкамов М. «Бўлажак гуруҳ раҳбарларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. Т., 2005й.
4. Махмудов М.Х. «Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари». Докторлик дис.- 2004й.-332 б.
5. Хайдаров О.Қ. «Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндошувини тайёрлаш». Номзодлик диссертацияси.-Қарши-2005й -182 б.
6. Қурбаниязова З «Тарбиявий ишлар жараёнида тарбияланувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари» номзодлик диссертацияси. Т., 2002й.-120б.

## **VIII. Интернет сайтлари**

1. <http://www.infonnika.ru/text/inftech/edu/dcsign>.
2. <http://cnit.ssau.ru/kadis/posob/index.htm>.
3. [http://vio.fio.ru/vio\\_19/cd site/Articles/art\\_1\\_12.litm](http://vio.fio.ru/vio_19/cd_site/Articles/art_1_12.litm).
4. <http://cdo.bscu.by/dol/about/vvedenie.litmwtop>.
5. <http://www.istedod.uz>.
6. <http://www.abduqodirov.pbnet>.

## **IX. Электрон дарслик**

1. Очилова Г. «Педагогика» дарслик. Т. 2005 й.
2. Хаитов О. «Психодиагностика ва амалий психология» дарслик. Т. 2005.

